

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

No 32 (378)
2019 - yil
8 - avgust
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



СИРДАРЁНИНГ УЧ СИРИ

Ҳокимга нега олти
ойга бормаيسان
дейишган?

4-5-бет



ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ

кимнинг ҳисобидан
ўрнатилади?

2-бет

ҚАМОҚХОНАДА

махкумлар ибодатига
тўсиқ йўқ(ми)?

2-бет

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

қайси бандлари
бажарилмаган?

3-бет



ДАНГАСА РАҲБАРЛАР

вилоят ҳокими
танқидига учради

5-бет

Ўн йиллик сабр ва УЧ ЭГИЗАК

8-бет

ЎЗБЕКНИНГ ТҮЙИ

қандай бўлиши керак?

мезони борми?

3-бет



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

ЖАСЛИҚ ҚЎРҒОНИДА ЖОЙЛАШГАН КОЛОНИЯ ЭПИЛАДИ

Экспертлар бу қарорни сиёсий жасорат деб атамоқда

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу билан халқаро миқёсда узок йиллар давомида қийноқлар, миш-мишлар билан ном чиқарган жазони ижро этиш колонияси тугатилди.



«Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясида аввал ҳам, ҳозир ҳам маъбусларга нисбатан қийноқлар бўлмаган. Ўзбекистонда мавжуд жазони ўташ жойларида ибодат қилишга рухсат этилади...»

Ушбу фикрлар Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида айтилди, дея хабар берди ЎЗА.

— Бу мамлакат учун тарихий қарор бўлди, — деди Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари Баҳромбек Одилов. — Халқаро ҳамжамият бунга Ўзбекистоннинг келгуси ривожланишидаги долзарб қарор сифатида эътироф этди. Бир қатор экспертлар бу қарорни сиёсий жасорат деб атади. Ушбу қарор озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атвори, шахс ва жамиятга ҳурмат муносабатини шакллантириш, ахлоққа тузатиш борасида амалга оширилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ давлатимизнинг халқаро ареналарда ижобий мавқени юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидланишича, Жасликдаги жазони ижро этиш колонияси санитария меъёрига жавоб беради ва мазкур колонияда аввал ҳам, ҳозир ҳам маъбусларга нисбатан қийноқлар бўлмаган. 19-сон ЖИЭКнинг иношоотлари, бинолари ва мавжуд мол-мулкларини Нукус шаҳридаги 2-сон тергов колониясига ўтказилди.

Ҳақиқатан ҳам 1999 йилда Кўнғирот туманининг Жаслик қўрғонида қурилган ушбу муассасанинг ёпилиши мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ва жаҳон ҳамжамияти олдига жуда катта аҳамиятга эга.

19-сон ЖИЭКда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилган ва узок муддат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар сақланиб келинган. Колония Нукус шаҳридан 300 километр, Кўнғирот тумани марказидан эса 180 километр узоқликда жойлашган. У ер қишда қаҳратон совук,

ёзда жазирама иссиқ. Жазони ўтаётган шахслар, уларнинг қариндошлари, яқинларининг келиб-кетинларига ҳам ўта ноқулай бўлган.

Мазкур муассасанинг бугунги кундаги лимити 1100 ўрин. Ҳозирги кунда 395 нафар маҳрум сақланипти ва шуларнинг атиги 10 фоизи диний-экстремистик жиноятлар учун жазони тугатишга қўйилган шахслардир.

Юқоридаги қарорга асосан ушбу колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар суд томонидан белгиланган жазони ўташ тартибига риоя этган ҳолда судланганига қадар яшаган манзилга яқин жойлашган колонияларга кўчирилади. Бу эса уларнинг оила аъзолари ва яқинлари мушкулни осонлаштириб, маблағи ва вақтини тежаш имконини яратди.

«Мазкур муассасанинг бугунги кундаги лимити 1100 ўрин. Ҳозирги кунда 395 нафар маҳрум сақланипти ва шуларнинг атиги 10 фоизи диний-экстремистик жиноятлар учун жазони тугатишга қўйилган шахслардир.»

Президентимизнинг тегишли фармонларига биноан 2017 йилдан буён тўрт мингга яқин маҳрум афв этилди. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, озод қилинган шахслар давлат ва жамият эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга нисбатан қийноқ ва жисмоний тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш, яшаш шартлари ва ишлаб чиқариш ҳудудларида тезкор вазият барқарорлигини таъминлаш, турли кўринишдаги тартибузарликлар содир этилишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ходимлар томонидан маҳкумлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда белгиланган қонун талабларидан четга чиқиш ҳолатлари содир этилишига қарши курашиш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида колониялар ҳудуди жами 2 минг 648 та замонавий видеокузатув мосламалари билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, тергов жараёни ва сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча тергов ҳибсхоналарида алоҳида терговчилар хонаси ташкил этилиб, замонавий, овоз ёзиш имкониятига эга бўлган 71 та видеокамера ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан «Жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўрнатилган тартибда киритилган. Ҳозир мазкур қонун лойиҳаси ўрганиб чиқилмоқда. Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг 3 та қонуни ва жиноят-ижроия кодексига озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг тиббий ва ижтимоий ҳуқуқларини кучайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ўзгартиш ва 15 га яқин қўшимча киритиш тақлиф этилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзини қизиқтирган саволлар билан мутоахасисларга мурожаат қилди.

— *Ўзбекистонда мавжуд жазони ўташ жойларида ибодат қилишга рухсат этиладими?*

— Жазони ўташ жойларида ўрнатилган ягона тартиб, қонун режаси мавжуд, — деди ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси Бошлиғи Жамшид Султонов. — Маъбуслар мазкур тартибни бузган ҳолда ўз диний эътиқодларидан келиб чиқиб, диний амаллари бажаришлари мумкин. Диний амалларни бажариш Ўзбекистондаги ҳеч қайси жазони ўташ жойларида тақиқланмаган. Рўза ойларида уларни овқатга мажбурлаш ёки бошқа ибодатларини бузиш ҳолатлари кузатилмаган.

— *Жаслик колонияси келгусида музейга айлантирилиши мумкинми?*

— Бу колониянинг келгусида музей ёки бошқа бирор объектга айлантирилиши ҳозирча номаълум, — деди Баҳромбек Одилов. — Шунинг аниқ айтганимки, 19-сон ЖИЭК ўрнига энди бошқа колония ташкил этилмайди.

Янги қарор

«ФАХРИЙ ФУҚАРО» МАҚОМИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

2019 йил 5 август куни Вазирлар Маҳкамасининг «Фахрий фуқаро» мақоми бериш тартиби тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, ушбу мақом иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция киритган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

Ушбу мақом Президент ташаббуси билан берилиши

мумкин.

Бунда қарор Сенат томонидан қабул қилинади, гувоҳнома эса Сенат раиси томонидан имзоланади ва топширилади.

Агар ушбу ташаббус давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан берилган бўлса, қарор тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Ушбу мақом Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос ҳисобланмайди.

БИЛАСИЗМИ?

ҲИСОБЛАГИЧ КИМНИНГ ҲИСОБИДАН ЎРНАТИЛАДИ?

Маиший истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёсласи ва пломбалаш тегишли равишда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий ахборот канали

Таълим

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 81 ТА МАКТАБГА ҚЎШИМЧА ҚВОТА ПУЛЛИК БЎЛМАЙДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 81 та умумтаълим муассасасида ҳозирги кунда ўқувчилар сони сифимига нисбатан 2-3 баробар ортиб кетганлиги, санитар-гигиеник меъёрларга мос келмаслиги, ўқувчилар 2-3 сменада таълим олишлари, синфларда ўқувчилар сони 45-50 нафарга етиб келганлиги боис, ушбу мактабларда ўқувчиларни қабул қилиш бўйича регламент ишлаб чиқилган эди.



Мазкур мактаблар Тошкент шаҳридаги барча мактаб ёшига етган ўқувчиларни қамраб олиш имкониятига эга эмас. Ушбу мактабларда қўшимча квота уларнинг қабул қилиш имкониятидан келиб чиқиб белгиланади, барча мактабларда ҳам қўшимча квота белгиланмаслиги мумкин. Чунки 81 та умумтаълим муассасаларининг аксариятида мактаб куввати микроҳудуддаги мактаб ёшига етган болаларни қабул қилишга етди. Уларда қўшимча квота учун имконияти (мактаб сифими) мавжуд бўлмаслиги мумкин, дея хабар берди Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати.

Шу кунларда қўлаб ота-оналар Давлат хизматлари марказига қўшимча квота асосида қабул қилиш масаласида мурожаатлар қилмоқда. Хабарларга кўра, айни кунларда Давлат хизматлари марказида 70 фойздан ортиқ ота-оналар пуллик қабул бўйича навбатга туриб, марказ

ходимларидан пуллик қабул қилишни талаб қилишмоқда.

«Вазирлик ота-оналарни яна бир бор расман қўшимча квота пуллик асосда амалга оширилмаслиги ҳақида маълум қилади. Халқ таълими вазирлиги аҳолидан Давлат хизматлари марказига қўшимча квота пуллик қабул учун навбатга турмасликларини, ўзларининг бириктирилган микроҳудуддаги мактабларга ёки давлат хизматлари орқали қабул жараёнлари амалга оширилмайдиган Тошкент шаҳридаги бошқа 228 та мактабларнинг бирига жойлаштиришни тавсия этади», дейилади ХТВ ахборотида.

Бугунги кунда Давлат хизматлари маркази орқали қабул қилинмайдиган Тошкент шаҳрида 228 та мактабда қабул жараёнлари давом этаётганлиги, уларга 36 минг 473 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилгани ва бугунги кунга қадар 12 минг 469 нафар ўқувчи ўрни мавжуд экани эслатиб ўтилади.

Куз ва қиш ойлари тўй-тўқинлар, ҳар хил тадбирлар мавсуми ҳисобланади. Айниқса куз – пишиқчилик ва серобчилик палласи бундай саъй-ҳаракатлар авжга чиқади. Топганинг тўйларга буюрсин, дея яхши ниятда қилинган дуолар ижобат бўлади.



ЎЗБЕКНИНГ ТҶЙИ қандай бўлиши керак?

Яқинда бир дўстимиз қизини узатди. Унинг тўйида ўтириб шундай фикр хаёлимдан ўтди. Халқимизнинг менталитети – миллий характери, бағрикенглиги, хайру саховати, одамийлиги, айни чоғда турмуш маданияти, феълу ативоришмизга айрим нуқсонлар – ҳамма-ҳаммаси ана шу тўйда худди кўзгудагидек акс этар экан.

Дарҳақиқат, дунёда ўзбекдек таннти, орзуманд халқ бўлмаса керак. Боласи бешиқдалигидан бошлаб тўйга йингани бошлайди. Кейин тўйда ҳамма маблагини бир кунда совуради. Агар сарф-харажатлар меъёрида, умрда бир марта бўладиган тўй эса ҳар жиҳатдан мазмунли, эса қоладиган бўлса-ку нур устига нур. Афсуски, ҳамма тўйларимиз файзли ўтпти деб айтолмаймиз. Тўйларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар, исрофгарчиликлар ҳақида кўп ва хўп айтилди, яна айтилмоқда. Мен ҳозир бу ҳақда эмас, бошқа бир муаммага тўхталмоқчиман.

Тўйларимиз санъаткорсиз (қўлига чоғу олиб, ашула айтадиганларнинг ҳаммасини халқимиз эъвозлаб, арзиса-арзимаса санъ-

аткор дейди) ўтмайди. Тўйларнинг қанчалик зўр ўтгани машхурроқ, унволи артистларнинг келганига қараб белгиланади: «Вуй, фалончининг тўйига фалон артист келибди! Қойил!». Йлгари тўйларга ўғринча, кўрқиб-қалтираб, фелъетон бўлишдан ёки унвонидан ажралиб қолишдан ҳадиксираб борадиган санъаткорлар энди мустикалик шарофати билан анча эмин-эркин жавлон уришмоқда. Уларнинг нархи – «ставкаси» газеталарда ошкора ёзилмоқда. Афсуски, ана шу санъаткорларнинг ижро маҳорати, хизмат кўрсатиш маданияти, боринги, дид-фаросати ҳаммиша ҳам кўнгилдагидек эмас. Уруғ сепган одам дехқон бўлиб қолавермаганидек, кўлига тор олиб хиргойи қилган ҳамма одам ҳам санъаткор ҳисобланмайди.

Юқорида эслатилган тўйга бир гуруҳ ёш «санъаткор»лар таклиф этилганди. Ҳақи тўй бошланмасданқ улар овоз учайтиришни ишга солиб, микрофон ва ҳар хил электр чоғлару (биронта миллий чоғу йўқ эди) ёрдамда кулоқни коматга келтира бошлади. Тўй авжиге эса уларнинг раққосаси ўртага чиқиб,

қилпиллаганча рақсага туша бошлади. Даврани олиб борувчининг (у ҳам «санъаткор»лар гуруҳидан эди) пойинтар-сойинтар гапларидан гашлиниб ўтирдик. У ҳар гал «санъаткор»лар танаффус қилганда даврани совутмаслик учун ташаббусни қўлига олиб, турли «нағма-хуналар» кўрсатга бошлади. Масалан, у келин бўлмиш қизнинг ота-онасини намойишқорона ўртага чиқариб, курсига ёнма-ён ўтказиб қўйгач, узундан узоқ монолог ўқий кетди. Нутқининг айрим ўринлариданоқ бил фарзандга қарата айтилган панд-насихатлар ҳам бор экан, сергакроқ меҳмонлар «буниси қандоқ бўлди», дея бир-бирларига ажабланиб қараб қолишди. Бу гаройиб «томоша» ҳали ҳолва экан. Бошқарувчи қизнинг ота-онасига гул тақдим этгач, уларни даврага чиқариб, рақс тушишга ундади, аниқроғи мажбурлади. Хуллас, бутун тўй бошдан оёқ бошқарувчининг ана ўша бемаза суенарийси асосида давом этди. Бу саъй-ҳаракатларнинг заминидан битта мақсад – манфаат ётарди. Тўй эгалари даврага чиқиб рақс тушишса, ҳамма уларга пул кистирарди.

Ёнимда ўтирган шеригимга оғиз очиб, фикр билдирмоқчи эдим, янадангир-дунгур шовқинсурун бошланиб, шунчаки гапларидан ўтириш ҳам мумкин бўлмай қолди. Қўшим таратудланганимни кўргач, қўлини карнай қилиб сўради:

– Санъаткорларга буюртма бермоқчимисиз дейман?

– Ҳа, топдингиз.

– Нимани буюрмоқчисиз?

– Бир қўл шахмат ўйнаб туринглар, демокчиман.

– Тушунмадим, – деди қўшим ажабланиб.

– Улар шахмат ўйнашса, кулоғимиз сал тинчирди-да!

Кулишдик. Хуллас, дўстимнинг ҳурмати учун бир амаллаб тўйнинг охиригача чидаб ўтирдим. Тоқат қилолмаганлар секин ўрниларидан туриб, жўнаб қолишди.

Назаримда, энг ачинарлиси – кўпчиликнинг шундай хунук манзарога, тўйларимизнинг шундай тартибда ўтишига кўникиб қолгани эди. Йиллар давомида қизил империянинг қизил ташвиқотлари, ҳукмрон мафкураининг муттасил таъзики, миллий кадриятларимиздан

йироклашганимиз тўй каби энг қадимий, бокий удумларимизга ҳам салбий таъсир этгани эндиликда сир эмас. Бунини тан олиш керак. Аммо хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, маълум бир даврда шаклланиб, анъана тусига кириб қолган одатлардан халос бўлиш ҳам осон кечадиган жараён эмас.

Тўйларимиз аслида қандай ўтиши керак, деган табиий савол туғилади. Тўғриси, тўйларимизнинг қандай ўтиши лозимлиги ҳақида аниқ бир кўрсатма-маслаҳат беришдан (бу бир кишининг фикр-мулоҳазаси билан осонгина ҳал бўладиган масала эмас) ўзимни тияман, аммо бундай ўтмаслигини юқоридаги каби тўйлар мисолида кўриш мумкин. Бевоқиф тўйларнинг ўтишига дахлдор маҳалла қўмиталари бу борада ташаббус кўрсатишлари, яхши тажриба, анъаналарни ўрганиб, умумлаштириб, ҳаётга татбиқ этишлари лозим.

Ягона истак шуки, ўзбекнинг тўйи ҳар жиҳатдан ҳавас қилгудек марокли, файзли бўлсин.

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

СЕНАТДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ КЕСКИН ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 2019 йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши Олий Мажлис Сенатида муҳокама этилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия ҳузуридаги мониторинг гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида Давлат дастурида ижроси биринчи ва иккинчи қоракларда таъминлангани белгиланган ўн та банддаги топшириқлар ҳамон бажарилмагани аниқланди.

Дастурнинг тегишли бандида 2019 йил 1 июнга қадар кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида махсус ваколатли давлат органини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси тайёрланиши белгиланган. Аммо мазкур вазифа бажарилмаган.

Дастурнинг тегишли бандида 2019 йилнинг 1 майига қадар аҳолига кўрсатилаётган онкологик тиббий хизмат сифатини ошириш ва профилактик тадбирлар қамровини кенгайтириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланиб, қабул қилиниши белгиланган. Бироқ шу кунга қадар мазкур топшириқ ижроси таъминланмаган.

Мажлисда алоҳида ургу берилган яна бир масала – Давлат дастурида белгиланган ёшлар сиёсатига оид топшириқлар ижроси бўлди. Таъкидланганидек, Дастурнинг 231-бандида «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлаш кўзда тутилган ва бу мақсадга йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ маблаг йўналтирилиши белгиланиб, 50 мингдан ортиқ ёшларни иш билан таъминлаш режалаштирилган. 2019 йилнинг 1 август ҳолатига 1555 та лойиҳага 333,2 миллиард сўм маблаг ажратилган. Бу кўрсаткич Дастур ижроси бор-йўғи 15 фоизга бажарилганини аниқлатади.

Муҳокама чоғида бу борада ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган қамчиликлар алоҳида кўриб чиқилиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг эътибори уларни бартараф этишга қаратилди.

БОҒЧАЛАР БҶЙИЧА ЖИДДИЙ ИСЛОҚИНОТЛАР КУТИЛМОҚДА

Ҳозир юртимизда 9774 мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Уларда 3-7 ёшгача бўлган болаларни қамраб олиш даражаси 40,5 фоизни ташкил этади. Қолган 60 фоиз болалар қачон ва қандай қилиб боғчага жалб этилади? Оғир шарт-шароитларда фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасаларидаги ахвол ўнганганими? Ота-оналар бундай даргоҳда тарбияланаётган ўғил-қизининг таълим-тарбияси, соғлиги, овқатланиши, умуман, қеллажигидан қачон хотиржам бўлади?

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этган мабуот анжуманида журналистларнинг шу каби саволларига атофлича жавоб қайтарилди, дея хабар берди ЎЗА.

«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизминини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ 2021 йилга бориб янги боғчалар очини, давлат-хусусий шериклик асосида

ҳамда чекка худудлар учун долзарб бўлган мактабгача таълимнинг муқобил шакллари ташкил этиш хисобига улардаги ўринлар сонини 56,8 фоизгача кўпайтирилади. 2030 йилда эса бу рақамни 132,3 фоизга етказиш кутилмоқда.

– Педагоглар сонини кўпайтириш, шунингдек, ходимларни саралаш, тайёрлаш ва малакасини оширишга янги ёндашувларни татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз, – деди мактабгача таълим вазирини А.Шин. – Вазирлик вакиллари масъул ходимлар фаолиятини ҳар дақиқада назорат қилиш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳам МТМларда малакали, виждонли кадрлар ишлаши биз учун ниҳоятда муҳим.

Бугунги кунда нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини 3942 гача ташкил қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги тегишли қарорига асосан бундай фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чекланмаган муддатга бериладиган бўлди.

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

СИРДАРЁДА ЯШИРИН

ЁХУД ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМЕРИКА



**Гофуржон МИРЗАЕВ,
Сирдарё вилояти ҳокими:**

«Тўғрисини айтсам, шу ерга раҳбар этиб тайинланганимда кўпчилик ҳамдардлик билдиргандай қарашди менга. Ҳатто яқин дўстларим ҳам узоғи билан олти ойгача ишлай олишим мумкинлигини, бу жуда оғир вилоят эканини, аҳолиси ҳам турли ҳудудлардан келган терма халқ эканини айтишди. Аммо мен бу гаплар нотўғрилигини исботлаш мумкинлигига ишондим. Ҳар ҳолда, элнинг, юрт раҳбарининг ишончи бекорга эмас. Шуларни ўйлаб дўстларимга бир гапни айтдим...»

**«ИЛГАРИ
ОДАМЛАР БУ
ЕРЛАРДА ФАҚАТ
ИШЛАГАНИ
УЧУНГИНА ЯШАР
ЭДИ, БУГУН
ЭСА МАНА ШУ
ЖОЙЛАР БИЛАН
ФАХРЛАНМОҚДА»**

Пойтахт сари йўл олган ёки Тошкентдан қайтаётганларнинг аксар қисми Сирдарё ерларидан ўтади. Балки сиз ҳам ҳар йили бир неча марта ўтсангиз керак бу жойлардан. Аммо кўпчилик бу ердаги шаҳару қишлоқлар кифоаси, бу ерларда яшаёт-

риб келаётган янгиланиш нафаси сезилиб турибди. Ичимлик сув танқислиги, ички йўлларнинг абгор ҳолати, уй-жой муаммоси, хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканлари йўқлиги, замонавий технологиялар кириб келмагани – кўйингчи одамлар ҳаётидаги

корхоналарига «Sirdaryo Glass» шиша идишлар етказиб берапти. Илгари шу кичкина дори шиша ҳам хориждан фалон долларга сотиб олинган-да. Энг муҳими ушбу корхонада 500 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона мутахассисининг айтишича, ишлаб чиқараётган маҳсулот хом-ашёси юз фоиз маҳаллийлаштирилган. Турли кум ва тошлар Қашқадарё, Навоий вилоятларидан келтирилса, яна бир қатор зарур хом-ашёни Қорақалпоғистон етказиб берапти.

Шиша идишлар ишлаб чиқариш анчагина қизиқарли жараён. Оқиб келаётган лава улкан ускунага қиради ва бир зувала лаҳча чўғ кўз олдингизда бирпасда шиша идишга айланади. Қолгани силликланган, саралаш, лаборатория синови ва тайёр маҳсулот.



«Тўғри, соҳам бошқа, аммо ишимни яхши кўраман...»

Эътиборли жиҳати корхона ишчиларининг аксарияти ёшлар. Шиша идишларни саралаётган истаралигига киз ўзини Ирода деб таништирди. «Ишим унчалик қийин эмас, аммо анчамунча эътиборни талаб қилади. Агар озгина эътиборсизликка йўл қўйсам, лентада сифатсиз маҳсулот ўтиб кетиб қолиши мумкин», – дейди у. Иродахоннинг маоши билан қизиқдик. «Ёмон эмас, етиб турибди. Яна ошираимиз дейишяпти...» деди камтарлик билан. Корхона раҳбарияти ишчи-ҳодимларни рағбатлантиришга эътиборни янада кучайтиришига умид қилиб қоламиз.

Яна бир гап. Иродахон аслида педогогика коллежини тугатган, ўз соҳаси бўйича иш тополмагани учун ҳам шу ерга ишга ки-

рибди. Талаб ўрганилмаса, қайси ҳудудлар учун кўпроқ қандай мутахассислик кераклиги чуқур таҳлил этилмаса, мана шундай ҳолатлар кўзга ташланаверади. Аввало, ҳар бир ёшни энг зарур ва талаб катта соҳа бўйича мутахассис қилиб, шу соҳада ишлаб кетишига йўл очсагина унинг ҳам, шу соҳанинг ҳам келажаги учун нимадир қилган бўламиз.

«Сирдарё универсал ойна» МЧЖ келгусида кластер услубида Европа типидagi замонавий иссиқхона ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда консервалаш, кварц кумини қайта ишлаш, 120 хил турдаги янги инфузион дори воситаларини ишлаб чиқариш каби истикболли лойиҳалар пойдеворини аллақачон қўйган. Яна бир янгилик. Замонавий иссиқхонада ишлатилган энергия ресурсларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу атроф-муҳитта ортиқча иссиқликни чиқаришни камайтириш билан бирга, иссиқхонада етиштириладиган маҳсулотлар таннархини сезиларли пасайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентининг ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган беш ташаббусини ҳаётга татбиқ этиш борасида Сирдарё вилоятида ҳам катта ишлар қилинляпти. Бугун Сайхунобод халқи ҳам тер тўкиб меҳнат қилишдан ташқари, замонавий хизмат кўрсатиш марказларидан фойдаланиш, китоб ўқини, оилавий хордик чиқариш нима эканини англамоқда. «Сайхун планет» мажмуаси нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ягона десак хато бўлмайди. Икки қаватли замонавий бинонинг биринчи қаватида турли савдо дўконлари, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари савдоси қизғин. Салқин ва ораста мажмуага кўпчилик оилавий келган.



Сабаби иккинчи қаватда ёшлар, болаларни аjoyиб «сюрприз» кутиб турибди-да. Замонавий аттракционлар, турли ўйин қурилмалари, стол тенниси, шахмат-шашка, 3D кинотеатр, музаймок ва ширинликлар, бир сўз билан айтганда, катта шаҳарлардагидан кам бўлмаган қулайликлар сайхунободлик болажонлар хизматида. Мазкур мажмуага бақамти тушган истироҳат боғи ҳам гаўжум экан. Эътиборни тортгани, боғнинг бир томонида шўх-шодон ашулалар билан ўйин-қулги авжида бўлса, бир томонида китоблар савдоси, мук тушиб китоб ўқийётган ёшларни учратдик.

Мирзаобод тумани ёшлари компьютерни энг майда деталларига ҳам жуда яхши билишар экан. Қандай дейсизми? Сабаби туманда «Рақамли технологиялар ва IT тадбиркорлик» ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ҳали боғчага борадиган болалардан тортиб мактаб



Гулистондаги янги уйлар



Янги лойиҳалардан ҳамма ҳайратда

ган бағрикенг инсонлар ҳаёти ҳақида тасаввурга эга эмаслиги аниқ. Сўнгги йилларда бунёд этилган каттаю кичик завод ва корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари Сирдарёда катта ўзгаришлар ясамоқда. Бу ерларда умргузаронлик қилаётган одамлар ҳар кунини бир янгиланишга юз тутмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан Сирдарё вилоятига уюштирилган медиа-тур анча самарали, қутилмаган таассуротларга бой бўлди. Вилоятдаги ўзгаришларнинг бевоқиф гувоҳи бўлдик, ўз кўзимиз билан кўрдик, одамлар билан суҳбатлашдик. Тан олиш керак, ерлари унумдор бўлмаган, зах ва шўр йиллар давомида дехқонларни синаб келаётган, кўп соҳаларда доимо орқада қолиб келган сирдарёликларнинг сабрига, иродасига қойил қолсақ арзийди. Бугун ҳудуднинг ҳар бир гўшасига ки-

энг кичик муаммолар ҳам очиқ-ойдин айтилиб, улар босқичма-босқич ўз ечимини топаётгани кувончлидир.

Сирдарё туманида фаолият кўрсатаётган «Сирдарё универсал ойна» МЧЖ ва унинг кластер услибида амалга оширадиган лойиҳалари катта иқтисодий самара бериши қутилмоқда. Корхона иш бошлаганига эндигина бир йилдан



Бир зувала чўғ шу ерда шиша идишга айланади

ошди. Ҳозир биргина ушбу ҳудуддаги «Sirdaryo Glass» МЧЖда миттигина дори шишадан тортиб катта ҳажмдаги бангаларгача ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг кўп қисми Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа қўшни мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Экспортнинг орқасидан бир йилда 200 минг АҚШ долларини келиб турибди. Қолаверса, мамлакатимиздаги барча фармацевтика



Қизалоқ компьютерни чуқур ўрганмоқчи

УЧ СИР



Сайхунободнинг китобхон ёшлари

ўқувчиларига учрадди. Бариси компьютерда ишлашни, рақамли технологиялар билан тиллашни ўрганапти. Энг муҳими бепул. Фақат шу ўринда бир мулоҳаза. Болаларнинг айримлари компьютерда турли ўйинлар ўйнаш билан овора экан. Албатта, интеллектуал ўйинлар керак, болалар тафаккурини оширишга хизмат қилади улар. Шу билан бирга, дизайн,



Халима Худойбердиева мактаби қад кўтармоқда

лойиҳалаш, 3D технология, рақамли иловалар яратишни ҳам эсдан чиқарилмас бўлгани. Марказга кучли устозларни, мутахассисларни жалб этиш билан

бунга эришиш мумкин албатта.

Ховосда замонавий уй-жойлар қурилиши жадал кечмоқда. Чунки туманда неча ўн йиллар давомида эътибордан четда қолиб, коммуникация ва шароитлари абор барак уйларида яшаб келаётган аҳолининг сабр-тоқати тўлган. Замонавий кўп қаватли хонадонларга биринчи навбатда ана шу барак уйларида яшаб келаётган хонадонлар, уй-жойга муҳтож ёш оилалар, оғир турмуш шароитда, уйсиз бўлган аёллар кўчиб киради.

– Ҳозир ўттизта кўп қаватли уй қуриляпти. Коммуникация тармоқлари, канализация, болалар майдончаси, мактабгача таъ-

қазималар ва бу ердан топилаётган осори-атиқалар ана шу минг йилликлардан сўзламоқда. Бу ишларнинг бориши, ноёб топилмалар алоҳида мақола бўлади.

Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев медиа-тур иштирокчилари билан учрашув чоғида бир фикрни алоҳида қайд этди: «...ўшанда менга оғир ва турли жойлардан келган терма аҳолиси бор вилоятни бошқариш осон эмаслигини айтганларга ҳазил аралаш шундай дедим. Американи ҳам дунёнинг турли жойларидан келган терма халқ бунёд этган. Демак, биз ҳам иккинчи Америка бунёд этарканмиз-да... Албатта бу ҳазил ўз йўлига, аммо, ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига алоҳида эътибори ва катта ёрдами билан ҳудуд бутунлай янги киёфа касб этяпти. Туманлардаги ўзгаришларни кўринг, одамларнинг ҳаётида бу қандай акс этаётганини уларнинг ўзларидан сўранг. Албатта камчиликларимиз ҳам, қилишимиз керак бўлган ишлар ҳам бисёр. Марҳамат, борини ёзинг, ютуқларни ошириш, камчиликларни яшириш Президентимизнинг бугунги сиёсатига хиёнат бўлади».

Вилоят ҳокими ҳақ гапни айтди. Баландровоз гаплар билан мамлакат, вилоят, ҳатто кичик бир туман ҳам бир қадам олдинга силжмайди. Фақат ва фақат амалий иш, элни рози қиладиган ҳаракат билангина натижага эришиш мумкин. Бунинг нақадар ҳақиқат ва рост эканини Сирдарё вилоятига амалга оширган бир кунлик сафаримиз давомида англаб етдик. Сирдарё эли бугун уч насага – давлатнинг эътибор ва ғамхўрлигидан четда эмаслигига, меҳнатларининг роҳатини кўраётганига ва шу масканни чинакам гулистон қилиш мумкинлигига юрак-юракдан ишонар экан. Мана шу жиҳатлар бу вилоятнинг яшариш ва янгиланиши сирини бўлса ажаб эмас.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ, ИНСОНИЙЛИК БУРЧИНГИЗНИ БАЖАРЯПСИЗМИ?

Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлашга муносабат ўзгарганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Бошқача айтганда, кўп вақт ёпиқ турган, биров тақиллатса-да очилмаган эшиклар бугун очилди. Раҳбарлар аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларни эшитиш, дардларини тинглаб, унга даво топишни ўрганмоқда.

Маҳаллий раҳбарлар-ку шу ерда, ҳатто пойтахтда ўтирган вазириллар, катта-катта идораларнинг раҳбарлари, генераллар, судьялар ҳам жойларга чиқиб, олис қишлоқларга бориб, сайёр қабуллар ўтказяпти, аҳолининг ҳаёт даражасини ўз кўзи билан кўряпти. Бу – Президент талаби. Бу – халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилнинг ҳаётий ифодаси.

Аммо, барибир айрим раҳбарларнинг дунёқараши ўзгариши қийин кечаётгани, янгица тартибларга мослашиши оғир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг жойларда ўтказган сайёр қабуллари чоғида, шунингдек, виртуал қабулхонаси, телеграм мессенжери ва бошқа манбалар орқали келган муурожаатлар ижросига бағишланган йўғилишда шу ҳақда гап борди.

Вилоят ҳокимининг туман ва шаҳарларда ўтказган сайёр қабуллари чоғида тушган муурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган бўлса-да, 121 таси белгиланган муддатда бажарилмаган. Жумладан, 2 июль куни Тойлоқ тумани ва 13 июль куни Каттақўрғон шаҳридаги сайёр қабулларда тушган муурожаатларнинг 8 таси, 27 июль куни Пастдарғомдаги қабулдан эса 25 тасининг ижроси таъминланмаган. Бу муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш асосан, сектор раҳбарлари, вилоятдаги бошқарма ва идоралар бошлиқларига зиммасига юклатилган.

Жорий йилда иккинчи марта сайёр қабул ўтказилса-да Пастдарғомда муурожаатлар қамаймаган. Бу гал 435 нафар фуқаро томонидан 506 масала юзасидан муурожаат қилинган. Муурожаатларнинг 375 таси шу туман аҳолисидан тушгани, 27 киши такорор муурожаат қилгани секторлар раҳбарлари ва штаб аъзолари уйма-уй юриб, одамларнинг муаммоларини ўрганмаётганидан далолат беради. Ҳатто, сектор раҳбарлари сайёр қабулдан кейин ҳам муурожаат қилган фуқаролар билан бориб учрашмаган. Муурожаатлар натижасини мониторинг қилиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи фуқаролар билан суҳбатлашганда, уларнинг аксарияти сектор раҳбари қимлигини, сектор штаби қарда жойлашганини билмаслигини, уларни ҳеч қим сўраб келмаганини айтган.

Шунингдек, вилоят ҳокимига виртуал қабулхона орқали келган муурожаатларнинг 19 таси, телеграмдан тушган 53 та масала ҳам мутасаддиларга йўналтирилганига қарамай, ҳалигача ҳал этилмаган. Ишонч телефони, вилоят телевидениесидаги «Очиқ мулоқот» кўрсатуви орқали билдирилган муаммоларга ҳам айрим раҳбарлар томонидан ечим топилмагани танқид қилинди.

Умуман, вилоят ҳокимлиги томонидан йил бошидан буён рўйхатга олинган 45 минг 84 муурожаатнинг 255 таси бажарилмагани қайд этилиб, масъулар оғохлантирилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган жамоатчилик назорат гуруҳлари яқинда Самарқанд шаҳридаги (халқ тилида «за линия» деб аталадиган ҳудудда) бир қатор маҳаллаларда бўлиб, аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектларидаги шарт-шароитни ўрганди. Уйма-уй юриш натижасида аҳоли томонидан 1100 дан ортик муаммо билдирилди. Ушбу масалалар тегишлигига бўйича вилоят ва Самарқанд шаҳар ташкилотларига йўналтирилди. Афсуски, мутасаддиларнинг кўпчилиги муурожаатларга бефарқ қарагани оқибатида, масалаларга ечим топилмаган.

Хусусан, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи 111 та муурожаатнинг атига 1 тасини ҳал қилган, қолганлари ўрганилмаган. Самарқанд уй-жой таъмир профессионал бошқарув ташкилоти раҳбарига топширилган 31 та, «Мароканд обод» давлат унитар қорхонаси директорида берилган 14 та, Самарқанд шаҳар прокурори зиммасига юкланган 8 та, шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи масъул бўлган 8 та муурожаат эса ҳалигача ўрганилиб, ҳал этилмаган.

Йўғилишда аҳоли муурожаатлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан тегишли интизомий чоралар қўлланилиши маълум қилинди. Ҳар бир раҳбар юридик ва жисмоний шахслар томонидан билдирилаётган муурожаатларга алоҳида эътибор билан ёндашиши лозимлиги, зиммасидаги мажбуриятни бажаришга масъул экани эслатилди.

– Ҳар бир муурожаат ортида бир ёки бир неча кишининг бузилган ҳақ-хуқуқини тиклаш, адолатли қарор топтириш истаги, қийин вазиятдан чиқишда бошқарларнинг кўмағига муҳтожлик ётади. Бундай ҳолатдаги кишига ёрдам беришни нафақат раҳбарлик масъулияти, балки инсоний бурч деб қабул қилишимиз керак, – деди вилоят ҳокими Э.Турдимов.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА

Хусниддин БЕРДИЕВ

Беши ташаббус ижроси асосида бунёд бўлган китоб дўкони

БИЛИМ ГУЛЛАГАН

« Наманган давлат университети академик лицейида ёшликнинг ўзидай шўх, соғлом, ақлли авлод ўсиб вояга етмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур илм даргоҳи мамлакатимиз бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси энг юқори бўлган таълим муассасалари қаторидан аллақачон жой олиб улгурган.

Бир кун келиб истеъдодлар мева беради



Турфа гул-чечакларга бурканган гўзал Наманган вилоятида умргузаронлик қилиб келаётган ақли тўқис ёш қалб соҳибларининг кўзига баъзан ҳаёт жуда тўлғин ва ҳаддан ташқари умидли бўлиб кўринади. Бундоқ синчиклаб қарасанг, улар офтоб чарақлаб турган оппоқ тонгларга жуда ўхшаб кетади. Чиндан ҳам, уларнинг ҳаётга қанчалар маъсум ва бегуноҳ назар-ла боқаётганини кўриб, ич-ичингиздан қувониб кетасиз. Бехатиёр, қалбингизда «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди» деганга ўхшаб ҳайқирик баралла жаранглай бошлайди.

Наманган давлат университети қошидаги академик лицей бизнесга кириб бориш ҳамон қалбимни шундай ҳислар қамраб олди. Аслида мазкур лицей Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, Наманган давлат университети қошидаги лицей-интернат негизда фаолият бошлади. Мазкур лицейнинг таълим тизими аниқ фанлар (техника), аниқ фанлар (иқтисод), табиий фанлар, хорижий филология, ижтимоий-гуманитар (тарих), ижтимоий гуманитар (филология) каби олтига йўналиш бўйича чуқурлаштирилган билим беришга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар тест синовлари асосида танлаб олинади. Айни кунда бу ерда 1600 нафарга яқин ўқувчи тахсил олмақда. Ўқув хоналари замонавий жиҳозланган, кимё, биология, физика лаборатория усуналари, компьютер, лингафон хоналари, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Бир-бирлари билан ўзлари қизиккан соҳалари юзасидан қизгин баҳалашаётган, фирқлашаётган ёш нихолларни кўргангизда кўнглинг тоғ мисол юксалади. Энг муҳими, уларда мустақил фикрлаш, ҳаёт ҳақида тўғри ва аниқ ҳулоса чиқариш кўникмалари шаклланимоқда. Бу борада, айниқса, таълим тизимидagi узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, ўқитувчи-

педагогларнинг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш жуда қўл келмоқда. Шу ваддан ҳам аксарият ота-оналар ўз жигарбанди шу масканда ўқишини исташади. Аммо синовлар жараёнида ўқувчилар орасидан энг билимлиларигина бу ерда ўқишга муносиб кўрилади.

БИЛИМЛИ ЎҚУВЧИЛАР ВА КУЧЛИ УСТОЗЛАР

Бугун илгор фикрли, замонавий техника билан тиллашининг жуда ҳам устаси бўлиб бораётган ёшлар эртага билимини мустаҳкамлаб тараққиёт ва инсониятга хизмат қилишни

тўқиласан». Назаримда бугунги замон ёшлари доимо бу халқ нақлини ёддан чиқармасалар керак. Ана шунини инобатга олган жамоамиз ўқувчилар пухта билим олиши учун муносиб шароит яратиб беришга астойдил тиришиб-тирмашмоқда. Бунинг учун илгор педагогик технологиялар ҳамда замонавий методлардан ўрни билан фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун илм даргоҳимиз қатор йиллардан бери вилоят миқёсида «Фан ва спорт соҳасида энг кўп халқаро ютуқларни қўлга киритган жамоа», «Республика миқёсидаги кўрик-танловларда юқори натижа кўрсатган таълим муассасаси» сифатида бирдай

кил этилган вақтдан буён жамоадан кўпгина масалаларда ўзининг беминнат ва бегараз ёрдамчини аямасдан келаётган экан. Айниқса, бу яқинлик таълим узлуксизлиги ва фанлараро узвийликни таъминлаш, ҳамкорликда ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, илм маскани ўқув-услубий, илмий-амалий фаолиятини янада мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар сонини кўпайтириш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш сингари долзарб масалаларни ҳал этишда яққол сезилмоқда. Лицей ўқувчилари мунтазам равишда

уларнинг йўлини ёритишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Яқини ўстоз ўз ўқувчисига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлади. Аҳамиятлиси, академик лицейдаги 130 га яқин ўқитувчининг деярли барчаси инсонда бўлиши лозим бўлган яқин фазилатларини ўзлаштириб олган кўринади.

Негаки, бу масканда ўқувчилар сингари устозлар ҳам минг бир чиғирикдан ўтганидан кейингина, ишга қабул қилинади. Агар ана шу талабларга жавоб берайдиган устоз учраб қолгудек бўлса, дарҳол унинг хизматидан воз кечилади. Шунинг учун лицейда талаб қаттиқ бўлиб боргани сайин таълим сифати тобора яхшиланмоқда. Устозлар орасида икки нафар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган таълим ходими, икки нафар «Шуҳрат» медали, уч нафар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллик ёсадиқ нишонини соҳиблари, беш нафар халқ таълими аълочилиси кўкрак нишонини соҳиблари, уч нафар фан номзоди, доцентлар борлиги ҳам шундан. Физика фани ўқитувчиси Дониёр Ориповнинг олти нафар, кимё фани ўқитувчиси Давронжон Ҳақимовнинг икки нафар ўқувчиси Индонезия, Самарқанд, Португалия, Исроил, Қозоғистон, Тайландда ўтказилган халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаган бўлса, инглиз тили фани ўқитувчиси Давронжон Мамадалиевнинг эллик нафар ўқувчиси халқаро олийгоҳларда сабоқ олмақда. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Шерали Турғунов эса мамлакатимиз миқёсида ўзига ҳос мактаб яратган устозлардан. Унинг тўрт нафар шоғирд – ўқувчиси республика фан олимпиадаси ғолиблигини қўлга киритган. Ҳозирда у номзодлик диссертацияси устиди иш олиб бормоқда. Шунингдек, ижтимоий фанлар кафедраси мудир Раҳимжон Қарабоев ҳамда тиллар кафедраси мудир Матлуба Раҳмонова меҳнатсевар, қаттиққўл устозлардан саналади. Айниқса, долзарб мавзулардаги беш юздан ортиқ



диллига туккани аниқ. Лицейдаги ҳар бир йигит-қизни ана шундай ёшлар сирасига киритиш мумкин.

– Ёшликнинг ўзи инсон орзу ва истакларига, ниятларига кенг йўл очиб берадиган фасл ҳисобланади, десам сира янглишмаган бўламан, – дейди **Наманган давлат университети академик лицейи директори, география фанлари номзоди, доцент Каримжон БОЙМИРЗАЕВ.** – Негаки бу паллада ёш қалбнинг кўнглидаги орзуси ўрик дарахти каби чаппар уриб гуллайди. Фақатгина озгина эътибор қаратиб болани тўғри йўлга бошлаш лозим бўлади. Зеро, донолар айтганидек, «Тўғри йўлдан юрсанг кўник-кўнжинг тўлади, эгри йўлдан юрсанг бор-будундан айрилиб,

эътироф этиб келинади.

Яна бир гап. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз қишлоқларида болаларни ёшлигидан китоб ўқнишга, умуман олганда илмга ошно этиб боришга жиддий тарзда аҳамият қаратиб келмоқда. Шу маънода, академик лицейимизнинг китоб захираси ноёб китоблар ҳисобига бойиб бормоқда. Ҳозир кутубхонамиз жавонлариди 24 мингга яқин адабиёт мавжуд. Ушбу нодир хазина ўқувчилар тафаккурини чарчлашда жуда ҳам асқатмоқда. Сирасини айтганда, кутубхона чин маънода ёшлар доимо интиладиган жой бўлиши керак.

Лицей директори Каримжон Боймирзаевнинг бизга маълум қилишича, Наманган давлат университети илм даргоҳи таш-

университет ахборот-ресурс маркази, ўқув лаборатория хоналари, компьютер марказидан фойдаланиб, ўз кўникмаларини ошириб боришлари мумкин. Шу билан бирга, университетнинг А.Расулов, Б.Саматов, Н.Улуков, Ш.Абдуллаев, Р.Ибрагимов, М.Раҳматуллаев сингари профессорлари ҳамда Б.Исоқов, Н.Отахонов, Қ.Носиров, З.Содиқов, М.Сулаймонов, А.Назаров, С.Мисиров, У.Бобоҳўжаев, Б.Сатторов, Ш.Жумахонов, Ф.Каримова, О.Каримов, И.Солиев сингари фан номзоди, доцентлар томонидан тайёрланган ўқув-услубий адабиётлар, қўлланма ва кўрсатмалардан ўқув машғулотлари давомида фойдаланиб келинади. Мазкур адабиётлар таъбир жоиз бўлса, йўлчи юлдуз сингари

БУ БОҒДА

илмий-услубий кўлланмалари билан қатнашган устозларнинг чиқишлари республика миқёсида ўтказилган илмий конференцияларда жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Эътиборлиси, боя юкорида баён этганимиз жонкуяр ва изланувчан ўқитувчиларнинг илмий изланишлари натижасида тўртта монография, ўн та ўқув, ўттиз бешта ўқув кўлланма ҳамда бир неча юзлаб илмий мақолалар чоп этилди.

«МАТИЗ» ЮТГАН ЎҚУВЧИ

Хаётда жуда қизиқ бир ҳолат бот-бот учрайди. Негадир аксар ҳолларда истеъдоди гавҳар, истеъдоди иромк, гўнча бўлган инсон ўз номини улуғлик пилла-поясига кўтариши пайда бўлади. Ва шу йўлда мақсади томон астойдил ва сидқидилдан интилади. Аслида қобилият ва талант дегани шундай бир ноёб гавҳарки, у уммон тубида ҳам – гавҳар, талант шундай бир тиник иромки, унинг ҳар қатрасида улкан ва шиддат билан манзилига шошаётган дарёларнинг улуғворлиги, уммонларнинг теранлиги ва қудрати муҳассам. Қолаверса, талантни гулга менгаш ҳам мумкин. Унинг ҳали лаб очмаган гўнчасида чаманларнинг бекиёс бўй ва таровати мана-мен дея уффи туради.

Очганини айтсам, шу даргоҳда истеъдоди тўлиб-тошган жуда кўп ёшларга рўбару келдим. Негадир устозлар бундай ёшлар номини бирма-бир санаб ўтишдан сираям эринмади. Уларнинг бизга фахрлиб, тилидан бол томиб айтишича, ўтган йилги йил давомида бир неча минглаб ёшлар қатта ҳаётга учирма бўлди.

Шу истеъдодлар ортидан кўпдан-кўп раҳмат ва миннатдорлик сўзларини эшитдик. Шундай кезларда тунларни тонгга улаб, тинимсиз қилаётган савий-ҳаракатларнинг беиз, самарасиз кетмаётганига шукр қиласан киши.

Қаранг, академик лицей жамоасининг мунтазам изланишлари тўғрисида ўтган вақт ичида 24 нафар турли номинациялардаги республика кўрик-танлови ғолиблари, 3 нафар халқаро, 15 нафар республика спорт мусобақаси ғолиблари, 14 нафар халқаро, 23 нафар республика

фан олимпиадаси ғолиблари, 365 нафар вилоят олимпиадаси ғолиблари етишиб чиқди. Ўқитувчи Матлуба Раҳмонова кўлида жиддий тайёргарлик кўрган ўқувчи Шахноза Мамажонова Ёшлар иттифоқи ҳамда «Имтиҳон» газетаси тахририяти ташаббуси билан ташкил этилган «Йил абитуриенти» республика кўрик-танлови олий ўринни эгаллади ва «Матиз» русумли автомашина билан тақдирланди. Тўғри, жажон тажрибасидан шу нарса маълумки, илм даргоҳининг нуфузи ва обрўси энг аввало, ўқувчиларнинг олий ўқув юрталарига кириб ўқиш даражаси билан қатъий белгиланади. Бу борада ҳам мазкур лицей хамкорлик алоқалари ўрнатилди. Қувончлиси, Жанубий Корейнинг Инха университети билан лицей ўртасида шу йилнинг бошидаёқ меморандум имзоланди.

Лицей битирувчилари орасида бир нафар фан доктори, 4 нафар фан номзоди, доцент (бузунги кунда академик лицейда фаолият юритаётган тўрт нафар ўқитувчи ҳам фан номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлган) билим ва кўникмаларини шоғирларига ўргатиб келаяпти. Илм даргоҳи жамоаси спортнинг инсон ҳаётида тўтган ўрни муҳим эканини жуда яхши ангаб етган. Масалан, 2018 йилда 14 нафар ёш халқаро фан олимпиадалари ғолибларини кўлга киритган бўлса, спортнинг қатор йўналишларида муваффақиятга сазовор бўлганлар ҳам ундан сираям кам эмас. Очиғи, бундай



муваффақиятларнинг замирида тинимсиз меҳнат ётибди.

Халқаро хамкорлик алоқалари кўлами тобора кенгаймоқда. Масалан, Япониянинг Осиё Тинч океани, Жанубий Корейнинг Инха, Сежонг, Вусок, Донгseo, Чуданг, Улсан, Россиянинг Волгаград, шунингдек, Тошкентдаги Вестминистр, Турин, Сингапур менежментни ривожлантириш сингари нуфузли олий ўқув юрталари билан яхши хамкорлик алоқалари ўрнатилди. Қувончлиси, Жанубий Корейнинг Инха университети билан лицей ўртасида шу йилнинг бошидаёқ меморандум имзоланди.

БАХТИ КОМИЛ, ТОЛЕИ БЕКАМ

Нима бор мен учун
фарзанддан азиз,
Арзир ҳар сўзига
жеон фидо этсам.
Дунёда нимаки бўлса
энг лазиз
Қақат унинг учун
муҳайё этсам.
Кипригига зарра
кўнмаса қайгу,
Бахти комил бўлса,
толеи бекам.
Кўрса мен кўрмаган
шодликларни у,
Етса мен етмаган
ниятларга ҳам.

Яхши, гўзал шеър одами бир зумда ўзига ошно этади. Бу мусикий жозиба, бу дилбар ва мафтункор назм олами бегубор ва ошуфта кўнгилларга ҳайрат солиш қудратига эгадир.

Биласиз, ҳаётнинг қизиғи, мазмун-моҳияти интилиш билан завқли. Агар шу бўлмас экан, ҳамма нарса ўз аҳамиятини аллақачон йўқотган бўларди. Шундай бўлгач, ота-она ўз жигарғўшаси учун бутун дунёни бериб юборишга қодир бўлади. Фарзанднинг соф ва бегубор орзу-хавасини ўзининг орзу-хаваси деб қабул қилади. Ўз навбатида ўша болалик меҳри, ўша чанқок, ҳайрат тўла кўз билан боқиб турган ўғил-қизлар ҳам ўз яқинларининг бу каби бекиёс ва мислсиз ғамхўрликларига муносиб бўлиш учун астойдил тиришиб-тирмашмоқда. Ахир тол новдасидан ясаб олган «тойчоғи»ни миниб олганича биқиллаган иссиқ ва кайноқ тупроқ кўчада чанг кўтариб юрган ўша бегубор ва тақорланмас дамлари энди сира-сира қайтмайди. Аксинча бунинг ўрнини ўқиш ва билим олишдек шарафли ва масъулиятли вазифа банд этади. Хуллас калом, ҳали олдинда уларни қанчадан-қанча синовлар кутиб турибди. Назаримда ўқувчиларнинг бо-

лалик ва ўсмирлик йилларидан қолган энг ёрқин ва унутилмас эсдалик хотиралар Наманган давлат университетининг академик лицейи биносида тенгтўшлари, қалби дарё устозлари билан қилган суҳбатлари билан боғлиқ бўлса, ажабмас.

Негаки, бу мунаввар манзилда адабиёт ва санъатга беҳад қизиққан, шеърятни нозик ва теран тушунадиган нозик қалбли ёшлар таҳсил олади. Мазкур даргоҳга тез-тез шоиру, ижодкорлар келиб турар экан.

Мени беҳад қувонтиргани, бу даргоҳда адабиётни эъзозлайдиган қирқ нафарга яқин ижодкор ўқувчининг илк китоблари чоп этилгани бўлди. Тўғри, улар эҳтимол, бадий жихатдан унчалик пишиқ-пухта, мукаммал эмасдир. Аммо энг муҳими, ёш қалбларда мислсиз ҳаракат, ғужур бор. Ана шу нарса жуда муҳим. Расм, архитектура, ўймакорлик, мусиқа, рақс, назм, наср, спорт соҳасида нафақат вилоят, балки республикада зўр ютуқларга эришган ёшларнинг бошини бир жойга жамлаган. Мазкур тўғрақ машғулотларини ижодкор ўқитувчи А.Илёмов олиб боради. Назаримда бундай тўғрақлар фаолиятини кенгайтириш зарурага ўхшайди. Негаки, бу ерда ўрганганлари ёшлар қалбида гўзаллик ва нафосатга ошноликни уйғотмасдан қолмайди.

АЖДОДЛАРИНИНГ ШАВКАТЛИ ТАРИХИ

Наманган кўлаб ижодкорларга туз-насиба бериб уларни қатта ҳаётга учирма қилган муқаддас ўлка сифатида ҳам танилган. Бу заминда туғилган Аҳмад бин Саъдулдин ал-Ўзганӣ, Намонгонӣ, Боб (Поп) Фаргонӣ, машхур форсийнавис шоир Асируддин Аҳсикатӣ, Фазлий Намонгонӣ, Бобораҳим Машраб, Исхокхон Ибрат, Макзуби Намонгонӣ, Нодим Намонгонӣ, Муҳаммадшариф Сўфизода, Усмон Носир, Зафар Диёр, Азиз Турсин, Парда Турсин, Турғун Пулат, Чустий, Шўхий, Ҳабиб Саъдулла, Ҳусниддин Шарипов сингари назм ва насрда бебаҳо асарлар яратган адиблар номи кўпчилигининг кўнгилдан жой олган. Аҳамиятлиси, лицей ўқувчилари мунтазам равишда мазкур ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди билан атрофида таништириб борилади. Наманган шаҳри марказидаги Мулла Қирғиз мадрасаси ҳамда Сирдарё соҳилида жойлашган Аҳсикент харобалари сақланиб қолган манзилларга

вақти-вақти билан саёхатлар уюштирилади. Академик Абдулла Аъзамов сингари таниқли олимларнинг жой номлари билан боғлиқ бири-бирдан қизиқ ҳикоялари мароқ билан тингланади. Ўша кезлари гўё ўқувчилар кўхна тарих саҳифалари билан танишиб ўзга оламга тушиб қолгандай бўлади. Бу ёш қалбларнинг кўнглида авлодаждодлари билан ҳақли равишда фақрланиш туйғусини шакллантириши шубҳасиз.

– Қор ва ёмғирларга, шамол ва бўронларга асло писанд этмасдан келаётган улкан даррахт ҳар мавсум ўзининг шириндан-шакар, тотли меваси билан одамларни мўл-қўл баҳраманд этгани сингари, қалби дарё, кўнгли кенг устоз ҳам ўз билимини атрофида худди қалдирғоч болалари сингари тизилишиб турган ўғил-қизларга керагича улашади, – дейди Наманган давлат университети академик лицейи директори ўринбосари, педагогика фанлари номзоди, доцент Комилжон АБДУЛЛАЕВ. – Шоғирларининг қичғинагина ютуғи ҳам устозни худди боладай қувонтиради. 2018 йилнинг ўзида академик лицейимиз жамоаси халқаро (олти нафар) ва республика (олти нафар) фан олимпиадаларида ўн икки мартаба совринли ўринларга лойиқ қўрилган маҳалладаги қувончимизни ҳеч нарса билан тушунтириб бўлмайдди. Шундай пайтларда қилган меҳнатимиз беиз кетмаганига беҳад қувонамиз. Бугунги кунда жамоамиз бу сингари муваффақиятларга махлиё бўлиб қолишни истамайди. Ниятимиз жуда улкан. Олдимизда ҳали улкан ва салобатли доволар турибди. Секин-аста уларни ҳам забт этамиз албатта.

Наманган давлат университетининг академик лицейи жамоаси билан хайр-хўшлашиб орта қайтар эканман, шоирнинг юкори пардаларда, завқ ила куйлаган «Фарзандлар бор бегуноҳ қушлар, Тинчлик ҳақида бўлсин юмушлар» деган аjoyиб сатрларини эсладим. Чиндан ҳам, тинчлик, осойишталик, осудалик бўлган жойда илм олишга, тафаккурни чархлашга, умуман олганда бошқа эзу амалларни узлуксиз бажаришга имкон туғилади. Зеро, илмнинг юксак чўқиларини забт этаётган даргоҳ ёшлари орасидан етти иқлимни қойил қолдирган Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари алломалар етишиб чиқса не ажаб.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Qila davrasida» муҳбири



